*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**16 ноябрь**
ШАНБА
**№ 92** (12624)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Фуқаролик жамияти сари

## ЭНГ МУНОСИБЛАР ЎЗ ОРАМИЗДА

**Бутун республикада бўлганидек, вилоятимизда ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қизғин бошланиб кетди. Жойлардан келаётган хабарларга қараганда, сайловлар фуқароларнинг фаол иштирокида ўтмоқда.**



Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Учқун" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган вакиллар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 1467 сайловчи номидан 58 вакил йиғилишда тўлиқ иштирок этди. Улар маҳаллада ишбилармон, тадбиркор сифатида танилган Муборак Ҳусанбоева ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келган Дилором Шарипова номзодларидан бирини танлашлари лозим эди. Сайлов якунида маълум бўлдики, 58 вакилдан 53 нафари ўтган 2,5 йил давомида йиғинга раислик қилиб келган Дилором Шариповага қайта ишонч билдиришиб, овоз бердилар.

Бу бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам Дилором Шарипова ўтган даврда маҳаллани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, шунингдек, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига жиддий киришиб, зиммасидаги вазифани муваффақиятли бажариб келмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинидаги барча доимий комиссиялар ўзларига юклатилган вазифани пухта режа асосида амалга оширмоқда. Шу боис вакиллар 18 маслаҳатчи номзодидан 9 нафарига овоз бердилар.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги "Адолат" маҳалласида сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ ташкилий ишлар ниҳоясига етказилди. Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига таклиф этилган номзодлар орасидан энг муносибларини сайлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун талаблари маҳалладаги мавжуд 32 та кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган 4500 аҳоли ўртасида тушунтирилмоқда.

– Сайлов тўла ошкоралик ва муқобиллик асосида ўтиши учун раисликка тўрт номзод, уларнинг маслаҳатчиси лавозимига 18 номзод рўйхатга олинган, – деди ишчи гуруҳ раҳбари Собиржон Қосимов. – Раисликка номзодларнинг суратлари ҳамма учун кўринарли жойга осиб қўйилган. Сайлов 21 ноябрь куни ўтказилиши барча вакилларга етказилган.



**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

**Миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида байроқ Ватан тимсоли сифатида ҳамиша азиз ва муқаддас саналган. Хусусан, Амир Темур салтанатида давлат рамзларига алоҳида эътибор берилган. Соҳибқирон жанг майдонида бир лашкар омон қолса ҳам у Ватани байроғини баланд тутсин, деб фармон берган. Чунки жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душман қўлига ўтиши мағлубият белгиси, деб қабул қилинган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги тенгсиз жасорати барча авлодларга ибрат намунаси бўлиб келаётганининг боиси ҳам шунда.**

## ШОН-ШАРАФ ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунда таъкидланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан биридир.

Шундан буён миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳида ҳилпираб турган юзлаб байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

*(Давоми 2-бетда).*

ЖИНОЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ ЖАРАЁНИДА ТОРТИШУВ:

## ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Жиноят ва фуқаролик ишлари жараёнида тортишув: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.**

Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари судьялари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, АҚШ судьялар корпуси ва адвокатураси вакиллари, словениялик экспертлар иштирок этди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, судлар мустақиллигини таъминлашга доир ташкилий-ҳуқуқий комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Судлар ихтисослаштирилиб,

*(Давоми 2-бетда).*

Яна тўловлар ҳақида

## «МАЪЛУМОТ БЕРМАГАНИМИЗ ЭНДИ ГАЗЕТА ҚОЛУВДИ»

**Воқеа бундай бўлди. Газ корхонасига қарздорлик ва тўловларга оид маълумот беришларини сўраб қўнғироқ қилдик. Дастлаб газ сотиш ва ҳисобга олиш бўлими муҳандиси Мавжуда Ирисметова билан боғландик. У "маълумот беришдан бошқа муҳим ишлари бор"лиги учун гўшакни ёнида ўтирадиган ходимга тутқазди. Ҳамхонаси бундай маълумотлар Мурод исмли ҳисобчида бўлишини айтди. Биз эринмай, берилган навбатдаги телефон рақамларини тердик. Гўшакни кўтарган аёлга газетадан эканимизни, мақола тайёрлаш учун маълумотлар олишимиз кераклигини айтдик. У эса, асабийлашиб: "Маълумот бермаганимиз энди газета қолувди" дея биз билан муомала қилишни ҳам эп кўрмади. "Мурод йўқ" деган жавобдан сўнг гўшак тарақ этиб қўйилди.**

Бундай муомалани кутмагандик, очиғи ҳайрон қолдик. Бўш келмай, қайта-қайта қўнғироқ қилдик. Охири эринибгина гўшакни кўтаришди. Маълумотларни фақат бош ҳисобчи Бахтиёр Темирбоев тақдим этиши мумкинлигини айтишди.

Аввалида бош ҳисобчи билан муомаламиз унча қовушмади. "Бундай маълумотларни берадиган бошқа одам йўқ эканми, ана Мавжуда Ирисметовага телефон қилинг, у ҳам мен билан тенг ойлик олаяпти. Бекор ўтиргандан кўра маълумотларни берсин" дея гапимизни оғзимиздан олди. Биз юқоридаги манзара қайтадан бошланмаслиги учун ҳисобчи билан тил топишишга уриндик.

Ниҳоят, бунга эришдик. Зеро, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга экани таъкидланган. Қолаверса, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунда "Давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдирлар" деб ёзиб қўйилган 7-модданинг борлиги кўнгилга таскин беради. Бироқ...

Корхонадагилар юқоридаги Қонунларнинг айнан шу жойларини ўқиб қўйишса ёмон бўлмасди. Ахир, улар обрўли ташкилотда ишлашяпти...

"Тошкентгазтаъминот" берган маълумотларга қараганда, Зангиота туманидаги истеъмолчилар 124 миллиард сўмлик газ ишлатиб, тўламаслик бўйича рекорд ўрнатишган. Янгийўл бўйича қарздорлик 65 миллиард 510 миллион сўмга бориб қолган бўлсада, жойлардаги мутасадди раҳбарлар ҳамон уйқудан уйғонишмаяпти. "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси Қибрай туманида жойлашган. Бу эса, туман қарзининг ортишига монелик қилмаяпти. Яқинда қибрайликларнинг қарзи 70 миллиард сўмга етиши кутиляпти. Ўрта Чирчиқ (41 миллиард 846 миллион), Чиноз (салкам 31 миллиард), Юқори Чирчиқ (26 миллиард 906 миллион сўм) туманлари ва Олмалиқ шаҳри (14 миллиард 788 миллион) ҳам қарздорликда ким ўзарга пойгасида илдамлик қилишяпти.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

«Йил аёли – 2013»

**Вилоятимизнинг бир-биридан гўзал, ишбилармон, тадбиркор ва замонавий аёллари "Йил аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этиш учун Бўстонлиқ туманидаги "Ҳожикент" дам олиш пансионатига йиғилишди. 2007 йилдан бери ўтказиб келинаётган анъанавий танлов мавқеи ва қамрови ортиб, иштирок этувчилар сафи кенгаяётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугунга келиб кўрик-танлов йирик лойиҳалардан бирига айланиб улгурди.**

## ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲАЙРАТИ ОШДИ




Вилоят босқичида шаҳар ва туманлардан келган 12 иштирокчи "Менинг устунлигим" йўналишида иқтидорларини намойиш этишди. Тайёрлаб келган фотоальбом, видеолавҳа, кўргазмалари билан иштирокчиларни таништиришди. Улар аёллик, бекалик, оналик, ва энг асосийси жамият ишини тенг олиб боришаётганини кўриб, ҳайъат аъзоларининг ҳайрати ошди. Улар орасида тадбиркор, маҳалла маслаҳатчиси, шифокор, ўқитувчи, фермерлар бор.

Саккиз кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати "Йил аёли" деб кимни эътироф этишга анча қийналишди. Қибрай туманидаги металл черепица ишлаб чиқарувчи "Мега импорт плюс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Малика Қодирхонова ҳар томонлама устун экани билан ғолибликни қўлга киритди.

– Тадбиркорлик фаолиятим бу даражада юқори баҳоланишини кутмагандим, – дейди у табассум билан. – Шундай танловлар натижасида аёлларимизнинг яшашга, ҳаётга интилишлари кучайиб, жамиятдаги фаоллиги ортмоқда. Мен ҳам бир айланиб, тадбиркор бўлиб қолмаганман. Турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиб ўтишимга тўғри келган. Олдимга қўйган аниқ мақсадим менга доим куч бағишлаб турган. Бу ёғига декабрь ойида ўтказиладиган танловнинг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш учун тайёргарлик кўришим керак.

Оққўрғонлик Умидой Абенова тақдирнинг ҳукми билан 7 йил тўшакка михланиб қолганди. Лекин у касалликка бош эгмади. Ҳам ўз соғлиғи, ҳам касби устида ишлаб, оёққа туриш ҳаракатида бўлди. Ҳозир "Устоз-шогирд" йўналишида маҳалла қизларига тўқувчиликнинг сир-асрорларини ўргатиб келяпти. Курашувчанлигини кўрган ҳайъат аъзолари уни "Энг шижоатли аёл" дея эътироф этишди.

Юқори чирчиқлик ўқитувчи Умида Эгамбердиева дутор чалиб, даврани қиздирди. Олмалиқлик Вазира Эшматова ўзи ёзган ривоят, ҳикоя ва шеърларини ўқиб берди.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева ғолиб ва иштирокчиларга келгусидаги фаолиятларида омад ва муваффақиятлар тилади.

**Руҳшона СОЛИЕВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

## АХБОРОТ

2013 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини шу йил 12-13 декабрда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига аҳоли турмуш даражасини янада оширишни ва унинг ижтимоий муҳофаза қилинишини кучайтиришни, иқтисодиётнинг юқори ва барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашни назарда тутадиган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги, шунингдек, 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисидаги масалаларни киритиш режалаштирилмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. Бутун бюджет жараёнини янада мунтазамлаштириш ва кодификациялашни, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширишни, васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутадиган "Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир. "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни, шунингдек, бошқа бир қатор қонунларни кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг ва Девонининг ўн учинчи ялпи мажлисни тайёрлаш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

### «СУВНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?»

Газетанинг 15 октябрь (№ 83) сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Чирчиқ шаҳри "Маърифат" маҳалласининг Ойбек кўчасида ичимлик суви беҳуда оқиб, ноқулайликлар туғдираётгани, мутасадди ташкилотлар бу ҳолатдан кўз юмиб келаётгани танқид қилинган эди.

Таҳририят ушбу мақола юзасидан вилоят "Сувоқава" очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н. Аминов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, танқидий мақолада келтирилган нуқсонлар Чирчиқ шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси масъул ходимлари иштирокида жойига чиқиб ўрганилди. Ҳақиқатан ҳам Ойбек кўчасидаги ер ости қувурлари ёрилиб, атрофга тинимсиз сув тошган. Аварияларни бартараф этиш гуруҳи ходимлари сув қувурларидаги носозликларни бартараф этди.

Шунингдек, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳам газетанинг танқидий чиқишига вақтида муносабат билдириб, Ойбек кўчасидаги носозликлар тўла бартараф этилгани ҳақида таҳририятга жавоб мактуби йўллади.

### «ҚОНУНГА БЕПИСАНДМИСИЗ, АКАЛАР?»

Ушбу сарлавҳа остида газетанинг 19 октябрь (№ 84) сонида босилган танқидий мақолада Паркент туманида раҳбар лавозимида ишловчи айрим мансабдорлар фойдаланилган электр энергияси ҳақини вақтида тўламай, қарзга ботиб бораётганлари ҳақида далиллар келтирилган эди.

Таҳририят туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи П. Нарзуллаев имзоси билан ушбу мақолага жавоб мактуби олди. Унда таъкидланишича, танқидий мақола электр таъминоти корхонаси ишчи-ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Электр ҳақини вақтида тўламаган ва ундан ноқонуний фойдаланаётган улгуржи ва чакана истеъмолчиларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, зарурат туғилганда тўловларни суд орқали мажбурий ундириб олиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Жумладан, Сўқоқ қишлоғида яшовчи Т. Жўраев электр энергиясидан ноқонуний фойдалангани учун қайта ҳисоб-китоб қилиниб, электр таъминоти корхонасига етказилган зарар ундириб олинди.

**Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамиятида шу йилнинг ўн ойида 636 минг 988 тонна пўлат эритилиб, 613 минг 89 тонна прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.**

## НАТИЖАЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК

Пўлат симлар ишлаб чиқариш цехида 714 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида 3 141 452 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Режалар ортиғи билан бажарилиши ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,0 ва 100,7 фоиз ўсишга эришилди.

**Ўз мухбиримиз.**

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун

# ШОН-ШАРАФ ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроқ олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртади. Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.

– Давлатимиз байроғи биз, спортчиларга нечоғли куч-қудрат, жасорат бахш этишини шу йил 20-27 октябрь кунлари Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказилган Жаҳон чемпионатида совриндор бўлганимда яққол ҳис этдим, – дейди оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпионати бронза медали соҳиби Улуғбек Алимов. – Эришган ғалабам шарафига майдон узра Ўзбекистон байроғи кўтарилганида қалбим чексиз фахрга тўлди. Мустақиллик шарофати, Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор туфайли ўнлаб давлатлар вакиллари орасида меҳнатим муносиб рағбатлантирилганидан, юртимиз номи тилга олинганидан бошим осмонга етди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг – мусаффо осмон ва тиниқ сув, еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида давлатимиз ошадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони – ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини ёрқин акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз эса беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик каби сифатлар ифодасидир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Тадбир

# «МЕТАЛЛУРГ»ДА ШОДИЁНА

**Олмалиқ шаҳридаги "Металлург" маданият саройида "Тиббиёт ходимлари куни" муносабати билан маданий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.**





Вилоят ҳокимлиги ҳамда соҳага тааллуқли қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган кечада ҳокимлик вакиллари, шу жабҳада узоқ йиллар ишлаган фахрийлар, шифокорлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар, кейинги йилларда вилоятимизда соҳа ривожи йўлида қилинган ишлар яхши самара бергани, тиббиёт муассасалари замон талабига мос жиҳозлангани, шарафли ва масъулиятли касб эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнатларини муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Маданий-маърифий кечада "Энг намунавий қишлоқ врачлик пункти" кўрик-танловида совринли ўринларни эгаллаган Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ", Қибрай туманидаги "Гулистон", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ҳақиқат" ҚВПлари ҳамда самарали меҳнатлари учун "Пском" ҚВП мудири Абдуғани Тўраев, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Бахтиёр Қосимов, "Номданак" ҚВП умумий амалиёт шифокори Шамшибой Умиров, Пискент туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Муҳаббат Қодирова вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

Кечага эл ардоғидаги санъаткорларнинг дилтортар қўшиқлари ўзгача шукуҳ бахш этди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

Миллий форум

# ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРАМИЗ

**Тошкент Давлат аграр университетида вилоятимиздаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг миллий форуми ўтказилди.**




У вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташаббуси билан хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти бўлинмаси, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, адлия бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



Вилоят давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган форум қизиқарли ўтди.

Дастлаб форум ўз ишини ННТларнинг лойиҳалари ва ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма намойишидан бошлади.

– Форумни ўтказишдан кўзланган мақсад, – деди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раҳбари Абдумажид Каримов, – нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, жамиятдаги муаммоларни ҳал этишда самарали ҳамкорликни янада кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлар "майдончаси"ни вужудга келтириш.

Умида Йўлдошева вилоят "Ногиронлар" жамиятига қарашли Бекобод туманидаги "Дурдона ширинликлари" шўъба корхонаси раҳбари. Корхона фаолиятини йўлга қўйишда "Ўзметкомбинат"нинг 5 миллион сўм маблағи асқотди. Ҳозир бу ерда 3 нафар имконияти чекланган фуқаро турли ширинликлар тайёрлаб, туман аҳолиси дастурхонига тортиқ қилишмоқда. Яқинда корхона ўз шахсий дўконига эга бўлди.

– Ташкилотимиз 2011 йилда иш бошлаган, – деди "Меҳр ва оқибат" жамияти раҳбари Мадина Саидкаримова. – Биз уйсиз ва қаровсиз қолган ҳайвонларни ҳимоя қиламиз. Дастурларимиз доирасида ҳайвонларни эмлатиш ва парвариш бўйича шартнома тузилган ветеринария клиникаларига маблағ ажратилади. Ҳайвонлар тақдирига бефарқ бўлмаган шифокор, кинолог, эколог, болалар руҳшунослари ва кўнгиллиларни ҳамкорликка чақирамиз. Чунки инсону ўсимликлар қаторида ҳайвонлар ҳам меҳрга муҳтож.

Кўргазмага қўйилган турли тикувчилик, тўқувчилик, бисер маҳсулотларини кўриб, уларни "Камолот" ёшлар ижтимоий хизмат маркази ва мактаблардаги тўгаракалар ўқувчилари ясаганига ҳайрон қоласиз. Келганлар эсдалик учун уларни харид ҳам қилишяпти.

Форумда соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ННТлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари имзоланди.

Шундан сўнг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда ННТлар фаолиятининг самарадорлиги ва фаоллигини кучайтириш масаласига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

Форум сўнгида бу йил самарали фаолият ва ижтимоий шериклик намунасини кўрсатган ННТлар муносиб тақдирланди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Боғдорчилик

**"JICA" Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вилоятимизда қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Шундай лойиҳаларнинг навбатдагиси Зангиота туманидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти тажриба хўжалигида ўтказиляпти. Мақсад – боғдорчиликни ривожлантириш, юқори навли ва серҳосил олма, шафтоли боғларини ташкил этиш ҳамда япон технологияларини оммалаштириш. Куни кеча хўжалик боғида ўқув-амалий семинар ўтказилди.**

# ЭНДИ ЮҚОРИ НАВЛИ МЕВА ЕЙМИЗ

2011 йили бошланган мазкур лойиҳа кейинги йилнинг март ойида якунига етади. Ҳамкор Япония томонидан лойиҳани Фикусима-Ўзбекистон маданий ва иқтисодий тажриба алмашиш ассоциацияси қўллаб-қувватлаяпти.

Ҳозир бозорларимизда Эрон, Озарбайжон, Хитой мамлакатларидан сархил мевалар олиб келиб сотилмоқда. Аниқки, четдан олиб келинаётган олмалар маҳаллийсига нисбатан нархи қиммат бўлади. Япон технологиясини оммалаштириш билан ўзбек боғбонлари олма навларини яхшилаш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Япониянинг Дата шаҳри боғдорчиликда донғи кетган ҳудудлардан ҳисобланади. Шу сабабли мазкур лойиҳани амалга оширишда шаҳар мутахассислари ҳамкорлик қилишмоқда.

– Лойиҳа доирасида Японияга икки марта бориб келдим, – деди илмий ходим Шуҳрат Собиров. – Боғдорчилик бўйича ютуқларимиз бор. Япон технологиясини ўргана туриб, уларни янада яхшилашимиз мумкин. Юқори навли олма ва шафтоли етиштириб, ички бозоримизни тўлдирибгина қолмай, чет мамлакатларга экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз. Юртимизнинг об-ҳавоси, олтинга тенг тупроғига етадигани оламда йўқ. Фақат имкониятларни ишга солиш, халқаро тажрибалар билан ўртоқлашиш зарур.

Мутахассис Маҳмуд Эшонхўжаевнинг айтишича, Японияда дарахтлар ён тарафга қараб ўсса, бизда юқорига ўсаркан. Уларда қурт-қумурсқа ва касалликлардан ҳимоя қилиш учун ҳар бир мевани махсус дорилар солинган қоғоз халтачалар билан ўраб чиқилар экан. Бундан ташқари, Японияда намлик юқори бўлгани учун дарахтлар ёнига поёндозга ўхшатиб фольга қоғоз тўшалади. Бу келаётган қуёш нурини дарахтга йўналтириш, яъни қуёш нуридан унумли фойдаланиш мақсадида қилинади. Мазкур технологиялар мевали дарахтлар умрини 20-30, ҳатто 50 йилга узайтириши мумкин экан.

– Биз юқори технологияларимиз билан фахрлансакда, юртингизнинг серқуёш табиатига, унумдор ерига ҳавас қиляпмиз, – деди япониялик фермер ва мутахассис Сато Такао. – Ҳақиқатан ўзбек заминига чўп суқилса, кўкариб кетиши ростга ўхшайди. Ўзбеклардан ўрганадиган жиҳатларимиз йўқ эмас.

Семинар давомида мева дарахтларига шакл бериш, турли зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш, ҳосилдорликка эришиш, баҳор ва қиш пайтларида совуқ уришидан асраш йўллари ҳақида тушунча ва тавсиялар берилди.

**Хуршида ТУРСУНБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

# БИЧИМИ БЕЖИРИМ, ЧОКЛАРИ ТЕКИС

**Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ece textile" корхонасида шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариляпти. Шу йил февраль ойида ишга тушган корхона жамоаси трикотаж ва спорт кийимлари билан ички бозоримизни тўлдирибгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилишяпти. Шуниси қувонарлики, ўзбек пахтасидан тайёрланган кийим-кечакларни чет мамлакатларда яхши кутиб олишяпти.**





Янги корхона очилиши билан 100 га яқин маҳаллий аҳоли муқим иш ўрнига эга бўлди. Корхона маҳсулотларини кузата туриб, улар Қуйи чирчиқликлар қўли билан тикилганидан қувонасиз. Ранглари ҳам яхши танланган, бичимлари қолипдек ярашади, чоклари текис. Бу ерда хом ашёга талаб қатъий. Ҳозир пойтахтлик ҳамкорлар корхонага хом ашёни ўз вақтида етказиб беришяпти.

Яқин орада корхонада яна ишга қабул бошлангани ҳақида эълон осилади. 100 га яқин киши иш билан таъминланиши мўлжалланган. Синов муддатидан яхши ўтганларгина олиб қолинади.

Туркиялик Четин Демир мазкур корхонани очиш учун Ўзбекистонни танланганидан беҳад хурсанд.

– Юртингизда ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар яратилган, – дейди у. – Бундан унумли фойдаланиш керак. Тўғрисини айтсам, Қуйи Чирчиқда ҳавасга ишлаяпман. Маҳаллий аҳолининг янгиликларга қизиқиши, бир иш ўргатганда тезда илғаб олиши, интизомга амал қилишидан хурсандман. Насиб этса, мен бу ерда кўп йиллар фаолият юритишни дилимга тугиб қўйдим.

Корхона бир ойда 200 минг АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Буюртма тушса бас. Корхонага борганимизда янги мижозлар билан шартномалар тузилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу ерда ҳамкорлик ўрнатмоқчи бўлганлар билан самимий ва дўстона муносабатда бўлишлари бизда ҳавас уйғотди. Мижозларнинг ҳеч бир саволи жавобсиз қолдирилмади. Ҳатто, хайрлашув чоғида чиқарилаётган маҳсулотлардан эсдалик учун бериб юборишни ҳам унутишмади. Назаримизда бундай мулозаматдан кейин ҳеч қайси мижоз шартномага қўл қўйишдан бош тортмаса керак.

Шаҳноза Абдураҳмонова ва Дилафруз Раҳмонова корхонага ишга жойлашганидан бери рўзғорларига барака кирди. Маъмура Сиддиқова ва Саодат Нишонбоеванинг эса, қўллари тикувчиликка анча келиб қолди. Ҳозир бошқа дугоналарига билганларини ўргатишга ҳаракат қилишяпти.

– Дастлаб ишга кирганимда тикувчилик қўлимдан келармикан, деган ҳадик бор эди, – дейди ишчи Гулчеҳра Ортиқбоева. – Одамда иштиёқ бўлса, исталган ишнинг уддасидан чиқиши мумкин экан. Ишни қисқа фурсатда ўрганиб олдим. Биз учун ҳамма шароитлар муҳайё. Айниқса, маҳсулотларимизни чет мамлакатлардаги одамлар кийишини ўйласам, фахрланиб кетаман. Шунга яраша уларни янада сифатли ва бежирим чиқаришга ҳаракат қиляпмиз. Чунки бу маҳсулотлар Ўзбекистоннинг юзи бўлиб жаҳонга экспорт қилиняпти-да.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Анжуман

# ПЕДАГОГЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

**Пойтахтдаги "Гёте" институтида Германиянинг мамлакатимиздаги қатор ташкилотлари билан ҳамкорликда немис тили ўқитувчилари малакасини ошириш, методик ёрдам бериш мақсадида ўзбекистонлик немис тили ўқитувчиларининг анъанавий XI анжумани ўтказилди.**

Элчихона вакиллари, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этган анжуманда Ўзбекистон билан Германия ўртасида барча йўналишлар қатори таълим соҳаси ҳам изчил тараққий этаётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат таълим тизимидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилди.

– Институтимиз талабалари деярли ўзбеклардан иборат, – дейди "Гёте" институти раҳбари, анжуман қатнашчиси Фредрике Мошел хоним. – Уларнинг немис тилида қийналмай сўзлашишлари, хорижий тилларни ўрганишга қизиқишларини кўриб, қойил қоламан. Юртингизда хорижий тилларни ўрганиш борасида ҳеч қандай муаммо йўқ экан...

Уч кун давом этган анжуманда бир неча шўъбаларда интерфаол методлар асосида ўқув-семинарлар, машғулотлар ҳам ўтказилди.

– Анжуманда хорижлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлдик, – дейди вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти "Тил ва адабиёт таълими" бўлими катта ўқитувчиси, анжуман иштирокчиси Матлуба Мамадалиева. – Анжумандан олган таассуротларимни институтимиз тингловчилари билан ўртоқлашаман, албатта. Боиси, уларнинг фаолиятида булар асқотишига ишонаман.

Анжуман сўнгида таъсисчилар намунали иштирокчиларга сертификатлар тақдим этишди.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

## ЖИНОЯТ ВА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ ЖАРАЁНИДА ТОРТИШУВ:

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Судлар тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни амалга ошириш мақсадида суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдаги улкан ўзгариш бўлди. Кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди.

– Ўзбекистонда судларнинг ихтисослаштирилгани юксак эътирофга сазовордир, – деди Миннесота штатининг федерал округи судьяси Жон Р. Танхайм (АҚШ). – Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишга хизмат қилади. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларга қатъий риоя этилаётгани, уларда инсонпарварлик тамойилларига устувор аҳамият берилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув принципининг жорий этилиши ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилаётир. Бу эса адвокатура институтини тубдан ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш самараларидандир. Зеро, кучли ва мустақил адвокатура тизими – инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмларидан биридир.

Мамлакатимизда айбловчи ва ҳимоячи тенглигини, жиноят ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида улар ўртасида ўзаро тортишувни таъминлаш, одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар бугун адвокатура институти мустақиллигини янада кучайтириш, ушбу касб нуфузини ошириш имконини бермоқда. Қонунчиликка мувофиқ ҳимоячига жиноят иши процессининг барча босқичларида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилган.

Шу билан бирга, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда янги босқични бошлаб берганини таъкидлади. Унда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Концепция ижросини таъминлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган қонунчилик ташаббуслари судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ижтимоий кафолатларни кучайтириш мақсадида 2012 йил 2 августда Президентимизнинг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда судьялар жавобгарлиги, назарий ва амалий билими, малака ҳамда маҳоратини ошириш, энг муҳими, суд тизимини янгича фикрлайдиган ва ишлайдиган, ҳуқуқий тафаккури замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар билан таъминлашга оид мақсадлар ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида судьяларни танлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Хусусан, судьялик лавозимига яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажриба, бенуқсон обрў-эътиборга, ихтисослиги бўйича, аввалambор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда етарлича иш стажига эга бўлган кадрлар орасидан номзод танлаб олиниши зарур.

Шу муносабат билан словениялик эксперт Янез Рупар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ҳамда хўжалик судлари судьяси лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, ихтисослиги бўйича иш стажи камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланишини юксак баҳолади.

Иштирокчилар айбни тан олиш ва ярашиш тўғрисидаги келишувлар масаласига алоҳида тўхталдилар. Ўзаро келишиш мумкин бўлган ёки уюшган жиноятчилик бўйича кўриб чиқиладиган мураккаб ишларда процессуал мақсадга мувофиқлик юзага келадиган ҳолатлар ва жараёнларга алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ амалиётидаги муайян ишлар мисолида айбни тан олишга доир келишувлар ҳақидаги қоидаларни амалиётга жорий қилиш жиҳатлари, жиноий ишни судда кўриб чиқишда давлат айбловчисини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

Семинар доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, саҳналаштирилган суд мажлисларида судья, давлат айбловчиси (прокурор) ва ҳимоячи (адвокат) ролида иштирок этди. Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни амалда кўриб чиқишдан кўзланган мақсад умумий ҳуқуқ тизимидаги далил-исбот стандартлари билан таништириш ва уларни ўрганиш, ҳар икки ҳуқуқий тизимда томонларнинг тортишув механизмларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат бўлди. Айбланувчини ҳимоя қилишда адвокатнинг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир қатнашчилари ўзаро фикр алмашиб, суд қонунчилиги, жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнларида томонларнинг тортишув механизмини мустаҳкамлашга доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БЕҲУДА САРФЛАНМАСЛИГИ ЛОЗИМ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор тамойилларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорига асосан таъминот корхоналаридан сотиб олинган нефть маҳсулотларидан фақат ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланиш кераклиги, қайта сотиш мумкин эмаслиги белгиланган.**

Нефть маҳсулотлари беҳуда сарфланишининг олдини олишда қатор қоидалар борлигини унутмаслик лозим. Автобензин сақланаётган идишларда зичлик ва нафас олиш мосламаси ёқилғи тарқатиш устунлари носозлиги ҳисобига 2 фоиздан 5 фоизгача (100 тонна маҳсулотдан 5 тоннагача) маҳсулот беҳуда исроф бўлиши кузатилган. Сиғимлар оч рангга бўялмагани ва стандартга тўғри келмайдиган идишларда тарқатилиши, автотранспорт ва механизмларнинг ёқилғи бакларини меъёридан ортиқча тўлдириб ишлатиш натижасида бир йилда ўртача 1-2 тонна ёқилғи беҳуда сарф бўлади. Автотранспорт, механизм ва тракторлардан вақтида техник хизмат кўрсатмай фойдаланиш, ёқилғи ва ўт олдириш тизимлари таъмирланмагани, қиш вақтларида двигателларни очиқ ҳолатда қиздириш ҳам қимматга тушиши мумкин. Юқорида кўрсатилган ҳолатлар нефть маҳсулотлари меъёрдан ортиқча ва мақсадсиз сарфланишига, асоссиз ҳисобдан чиқарилишига олиб келади. Шу билан бирга двигателлар ишига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ҳолатларни содир этганларга нисбатан "Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисида"ги Низомнинг бандларига асосан жазо чоралари қўлланилишини эслатиб ўтамиз. Шунингдек, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 172-моддасига биноан ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш ва олиш қоидаларини бузган фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солинади.

Ҳурматли юртдошлар! Заминимиз энергия ресурслари келажак авлодлар учун ҳам етарли бўлишини таъминлаш, улардан оқилона ва тежамли фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Баширилло САИТАЗИЗОВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими бош технологи.**

## Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

# ПСКОМНИНГ ОСМОНЎПАР САРҲАДЛАРИДА



**Юртимиз табиати ноёб, беқиёс. Буюк Яратувчимиз бу ўлкани олтинранг бепоён кенгликлар, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар билан обдон сийлаган. Оддий чўпни улкан дарахтга айлантиришга қадар сахий заминимиз халқимизга мўлкўл дон-дун, биллурдан тоза обҳаёт инъом этаяпти. Уларнинг таъмини унутиб бўлмайди. Ўтмишдаги Ибн Холдун ал-Муқаддасий, ал-Истахрий, Ҳудуд ал-Алама каби олимлар Илоқнинг қатор шаҳарлари, минтақалардаги беҳисоб конларнинг қийматy моҳиятига қайта-қайта юксак баҳо берганларида ҳикмат кўп. Осиёнинг бепоён сарҳадларини қадам-бақадам кезиб, Шарқдаги қўшни мамлакатлар табиати ва бойликларини ўлкамиз имкониятлари билан кўп бор таққослашган ва хулоса чиқаришган.**

Пском, Кўксув, Чотқол ва Оҳангарон дарёларининг юқори оқимлари манзаралари шу қадар гўзалки, кўҳна табиий салобати билан кишини ҳайратга солади. Тоғ чўққиларини кўрпадек қоплаб ётган ярқироқ, кумушранг қор жилвалари, енгил, мусаффо ҳаво киши қалбида завқ-шавқ, меҳр-муҳаббат, шодлик уйғотади ва шу гўзал туйғулар воситасида ёниб яшаш ва яратишга ундайди.

Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларининг бутун тоғли ҳудудлари ва ўсимлик массивлари, дарё ва сув ҳавзалари Угом-Чотқол миллий боғининг поёнсиз кенгликларида жойлашган. 1990 йилда ташкил этилган Угом-Чотқол Ўзбекистоннинг энг йирик миллий боғи ҳисобланади. Унинг ҳудудида қадимий археологик ва табиий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар жуда кўп. Шу боис ушбу маданий мерос объектларини, муқаддас ва диққатга сазовор жойларини аввайлаб сақлаш билан боғлиқ барча чора-тадбирлар тирик мавжудотлар қўриқхоналари, ўрмон хўжаликлари, табиат ва атроф-муҳитни асраш қўмиталари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилиши лозим. Фақат шу йўл билангина ҳар бир фуқаронинг ўзимизни ўраб турган олам, ҳайвонот ва ўсимликлар, ҳатто, ҳар бир тошга ҳам инсонларча муносабатда бўлишига эришиш мумкин. Инсоннинг шундай дилхушлиги шарофати билан ўзига хос алоҳида маданият – онг экологияси яратилади.

Пском қишлоғи ҳудудида, Пском дарёси сойида қадимий Шоҳжувор шаҳри ўрни бор. Исм-шарифи жаҳонга таниш археолог Иван Мушкетов ушбу тарихий ёдгорликни биринчи бўлиб 1906 йилда аниқлади. 1964 йилга келиб, Юрий Буряков уни тадқиқ этди. Шоҳжувортепада 1979-1981 йилларда қазиш ишлари олиб борилди.

Юрий Буряков кўл остида ва ундан кейин ҳам Шоҳжуворда ишлаган архитектор Михаил Тихонинни мен яхши биламан. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари эди. Пском қишлоғи одамлари ўша ўрта мактаб ўқитувчиси қилган ишлар ҳақида ҳали-ҳануз гапириб юришади.

Шоҳжувор – нафақат Тошкент вилояти, балки бутун Ўзбекистонда юқори тоғли ҳудудда жойлашган, камдан-кам учрайдиган ноёб шаҳар. Ушбу тарихий ёдгорлик Буюк Ипак йўлининг тоғли йўналишларида тўхтаб ўтиш ва жой алмашиш жараёнларини ўзаро боғловчи пункт сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Псксомсойда мис буюмлар ишлаб чиқаришга оид излар топилган. Дарё ўзанидан топилган чақиқ тоғ жинслари таркибида эса темир бисёр. Ярқироқ рангдор яримметаллар кони бўлгани ҳам аниқланган. Ушбу конлар X-XII асрларда ҳунармандчилик гуркираб ривожланишига хизмат қилди. Шоҳжувор ҳам ўшандаёқ ўзлаштириш қулай бўлган минг гектардан зиёд ерларга эга Псксомнинг юқори қисмида иқтисодиёт марказига айланиб улгурган.

Археологлар Юрий Буряков ва Михаил Тихонин жуда мураккаб ва оғир тоғ шароитида ишлашган. Улар ҳалиҳануз бу жойларда ажойиб инсонлар яшашини завқ-шавқ билан таъкидлашади.

Ҳақиқатан ҳам шундай, Пском водийсининг тоғли қишлоқларида ҳар жиҳатдан гўзал одамлар яшайди. Уларнинг ташқи қиёфалари ҳам, ички дунёлари ҳам бирдек гўзал. Меҳмондўстлик, самимийлик тоғли аҳолига хос ва мос хислат. Тоғ шамоли ялаган ва қуёшнинг яқинлигидан қирмизи ранг олган юзлари тиниқ, тоза, нигоҳлари ҳам ёқимли, самимий. Бу одамлар табиатни яхши билишади, уни севишади, унинг қонун-қоидалари билан ҳисоблашишади.

Пском қишлоғи чеккасида у қадар йирик бўлмаган, оддийгина қабрга эга эски уй бор. Бу – Абдулло Ансорий муқаддас қадамжоси. Халқ шундай деб атайди. Буюк маънавият устози Абдулла Ансорийнинг асл қабри Ҳиротда. Псксомда эса унинг яқин дўсти ва сафдоши дафн этилган. Аммо, бу томонларда унинг номи эмас, балки Ансорийнинг номи абадий яшаб қолишини тавсия этган. Шундай ҳам бўлган. Кўплаб зиёратчилар Пском томонларга қадам ранжида қилиш, табаррук зот қабрини тавоф этиш мақсадида олис, узоқ, мураккаб тоғ сўқмоқларини асрлар оша босиб ўтишган.

Биз ҳам бу муқаддас жойни тавоф этдик ва уни қайта тиклашга қарор қилдик. Олдинда навбатдаги ажойиб лойиҳа турибди. Бу қизиқарли ишни амалга ошириш учун кўтаринки руҳ, илҳом керак. Руҳ ва илҳом эса доимо биз билан бирга. Илҳомимиз манбаи – беқиёс Она заминимиз. Бу заминга хизмат қилишнинг ўзи қувонч, бахт.

Ҳозир бизнинг экспедициямиз Пском дарёси юқорисида Угом-Чотқол миллий боғи билан ҳамкорликда иш юритаяпти. Бундан ташқари, "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди ва Угом-Чотқол миллий боғи минтақа биосфераси маданиятини асраб қолишга қаратилган ҳамкорликдаги йирик лойиҳанинг ягона тамойилини ишлаб чиқмоқда. Ишонамизки, бизнинг бу ҳамкорлигимиз мустаҳкам бўлади ва нияту мақсадларимиз рўёбини таъминлайди. Орзуимиз – заминимиз янада кўркам ва обод бўлса, ҳар бир тоғ ўрмони сайёрамизнинг муқаддас қадамжосига айланса. Режаларимиз эса, Угом-Чотқол миллий боғи ҳудудидаги муқаддас қадамжоларни қайта тиклаш ва тарих ҳамда табиат уйғунлигини яхлитликда сақлаш, саранжом-саришта бўлишини таъминлаш.

Пском водийси хусусида келгуси чиқишларимизда ҳикоя қилмоқчимиз. Ҳозир эса, тоғли қишлоқлар ҳаёти ва турмуш тарзига оид муҳим бир ўзига хосликни алоҳида таъкидлашни истаймиз. Пском қишлоғини пою-пиёда айланиб, кезиб, нафақат унинг ўзида, балки узоқ-яқин атрофида ҳам бирорта ахлатхона кўрмадик. Юрган йўлларимизда на бирорта улоқтирилган бўш шиша, на пластик ўрам ва на бирор қурилиш чиқиндиси уюми дилимизни хира қилгани йўқ. Кўча ва йўлларда ҳайратомуз тозалик ва орасталик! Тақлид қилса арзийдиган хислат!

Ахлатлар тоғдан пастга тушиб, Чорвоққа яқинлашгач, кўзга ташлана бошлайди. Афсуски, табиат ва атроф-муҳитни нафақат муқаддас қадамжолар бор ерларда, балки юртимизнинг беистисно ҳамма ҳудудида покиза сақлаш одамзот зиммасидаги энг асосий вазифалардан бири эканлигини ҳамма ҳам англаб етавермайди.

Ер – бизнинг уйимиз, бойлигимиз. Ҳар бир уйда доимо хурсандчилик ҳукм сурмоғи лозим. Хурсандчиликни эса шу уй соҳиблари яратишади. Демак, бизнинг умумий уйимиз бўлган Ердаги хурсандчилик манбаи – биз, одамлар. Бу ҳар доим ёдимизда турмоғи лозим.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.**

## ЭЪЛОНЛАР

### Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

**I. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, 5/2-кичик ноҳия, 2-уйда жойлашган, Олмалиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли нотураржой қисми.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

– бинонинг қурилиш ости майдони – 474,10 кв.м;

– умумий фойдаланиш майдони – 386,0 кв.м;

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 193 611 000 сўм.

Балансда сақловчи: Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

**II. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Тинчлик кўчаси, 13-уйда жойлашган Олмалиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли нотураржой қисми.**

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

– бинонинг қурилиш ости майдони – 275,70 кв.м.

– умумий фойдаланиш майдони – 203,10 кв.м.

– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;

– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.

Бошланғич нархи – 135 931 963,96 сўм.

Балансда сақловчи: Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2013 йил 23 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 6, 20 январь ва 3 февраль кунлари 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, 20208000904920609114, МФО 01036, СТИР 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Маълумот учун телефон: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!

Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

MATBUOT tarqatuvchi
OCHIQ AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

**Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида Республика ҳамда Маҳаллий нашрларга 2014 йил обуна мавсуми давом этмоқда.**

| Вилоятнинг барча туманларида филиаллар мавжуд. | |
|---|---|
| Вилоят обуна бўлими: | 8-370 233-13-04 |
| Ангрен шаҳар филиали: | +99890 123-69-71 |
| Бекобод шаҳар филиали: | +99890 9592863 |
| Бекобод туман филиали: | +99890 167-43-27 |
| Бўстонлиқ туман филиали: | +99893 527-74-53 |
| Зангиота туман филиали: | +99890 976-47-93 |
| Олмалиқ шаҳар филиали: | +99891 787-23-53 |
| Оҳангарон туман филиали: | +99893 508-22-99 |
| Ўртачирчиқ туман филиали: | 8-370-76-21-476 |
| Чиноз тумани филиали: | 8-370-59-31-331 |
| Чирчиқ шаҳар филиали: | 8-370-71-64-617 |
| Юқори Чирчиқ туман филиали: | +99890 125-99-07 |
| Пискент туман филиали: | +99893 619-77-33 |
| Қибрай туман филиали: | +99893 613-83-16 |
| Янгийўл туман филиали: | 8-370-60-22-034 |
| Паркент туман филиали: | +99890 125-99-07 |

ОБУНАГА КЎМАКЧИ – МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

Гувоҳнома № 000690

### "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари ва мулк қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 936/24-сонли ижро ҳужжатига асосан "Блема" РКНД 40.3 тунука банка ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуна. Бошланғич баҳоси – 150 000 000 сўм. Зангиота тумани, Эркин қ.ф.й., ПКФ Баракат ҳудудида сақланмоқда (1). 2. Бектемир тумани СИБ томонидан 03.04.2013 й. № 1-222/2013-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч. "Ваз-21063" д.р. 10 V 527 FA. Бошланғич баҳоси – 7 013 024,90 сўм. 3. Бектемир тумани СИБ томонидан 18.12.2012 й. № 1-601/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 156 ТТВ. Бошланғич баҳоси – 15 531 135,30 сўм. 4. Бектемир тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-390/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2004 й. и.ч. "Матиз" д.р. 01 Р 385 GA. Бошланғич баҳоси – 13 984 000 сўм. Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланмоқда (2,3,4). Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Учтепа тумани СИБ томонидан 22.04.2013 й. № 1-1789/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. "Ваз-21061" д.р. 01 N 458 PA. Бошланғич баҳоси – 7 016 000 сўм. ООО "Avto Plaza Servis" Чорсу жарима майдончасида сақланмоқда (5). Аукцион савдоси 2013 йил 16 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари ва мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

### "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 5288/24-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой қ.ф.й., А.Қодирий кўчаси, 8-сонли хонадон. Бошланғич баҳоси – 241 250 000 сўм. 2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 9304-сонли ижро ҳужжатига асосан Чирчиқ шаҳри, Чирчиқ 50 йиллиги проспектида жойлашган кўчмас мулк (бино-иншоот). Бошланғич баҳоси – 1 594 184 490 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси – 19 473 523 сўм. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.05.2013 й. № 47613/12-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, К.Ниязова кўчаси, 10/1-уй, 30-хонадон. Бошланғич баҳоси – 436 891 003 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 2 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 5. Юнусобод тумани СИБ томонидан 14.10.2013 й. № 24259-60-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Шамол кўчаси, 120-уй манзилда жойлашган савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 125 000 000 сўм. 6. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 30.08.2013 й. № 10-1303/11570-сонли ижро ҳужжатига асосан қўзғатилган № 12367/24-сонли ижро иши бўйича Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кичик ҳалқа, 57-уй манзилида жойлашган савдо мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 3 125 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 16 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

### «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»ДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЙЛИК!

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрь кунидаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлигини ўтказиш тўғрисида" 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика ҳудудида "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади.**

Ойликнинг асосий вазифалари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Тошкент вилояти Ёнғин хавфсизлиги хизмати вилоятимиз фуқаролари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиб, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан кўрсатилган барча чора-тадбирларни ўз вақтида бажаришларини сўрайди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз, ёнғиннинг келиб чиқишини олдини олган, давлат ва шахсий мол-мулкингизни, ўзингизни ва атрофингиздаги инсонлар ҳаётини асраб қолган бўласиз.

**Ҳурматли фуқаролар!**

**"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги"да фаол иштирок этинг!**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШҚАРМАСИ.**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LUXE PLANET TRAVEL" (ИНН 301979078) МЧЖ Чилонзор туман ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BARAKA JO'JA SAVDO BIZNES" (ИНН 302373950) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилишини ҳамда "BARAKA JO'JA SAVDO BIZNES" МЧЖ "LUXE PLANET TRAVEL" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг тўлиқ ҳуқуқий ворисига айланишини маълум қилади.

Тел.: (+99893) 554-41-00, 142-62-62.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ТСРЎИ томонидан 698 реестр рақами билан рўйхатга олинган "QURILISH SAVDO AKFA PLYUS" МЧЖнинг устав жамғармаси 120 175 834 сўмдан 56 630 834 сўмга камайишини маълум қилади.

Тел.: (+99898) 305-86-03, (+99895) 595-07-80.

Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 29.07.2011 йил 003464-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NEW FASHION MAN" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома, устав ва таъсис хужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 19 апрелда 007180-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "PROF STEEL SERVICE" МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор тумани ТРСЎИ томонидан 2013 йил 17 майда 008859-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "GLOBAL PRINT BESHARIK" (ИНН 302358493) хусусий корхонаси таъсисчининг қарорига асосан фирманинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли "CARDINAL PRINT" МЧЖга ўзгартирилишини маълум қилади.

Даъволар Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 5-мавзе, 46-уй, 92-хонадон манзили бўйича қабул қилинади.

**2013 ЙИЛДА ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!**

**2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қулай жойлашув: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайндаги уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва равон йўлларга эга;



- Янги уйда оилангиз билан бирга фаровон ҳаёт кечиринг.

**Оилангиз учун ёрқин КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қолинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратади;
- Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармоя ва фарзандлар учун мерос.



**Келажак учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фоиз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар гарови.



**Замонавий қурилиш моллари ва ЮҚОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!**

- Танловдан ўтган пудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Улгуржи нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



**Марҳамат, мурожаат қилинг:**

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЁИҲ бўлинмаларига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, мини банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвест" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

Сергели тумани ТСРЎИ томонидан (Сергели тумани, Суғдиёна кўчаси, 1-уй) 2010 йил 18 ноябрда 002791-06 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MUXTOR VAKIL" (ИНН 301737727) хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (таъсисчининг 8.11.2013 йилдаги 1-сонли қарорига асосан).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Сергели тумани, Моҳидил кўчаси, 94-А уйда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги Тошкент Давлат техника университети томонидан 2010 йилда Гулмуродов Бекзод Элмурод ўғли номига берилган 1509 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги Тошкент Давлат техника университети томонидан 2010 йилда Жумаев Журабек Нурбой ўғли номига берилган 0396 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную круглую печать и угловой штамп, принадлежащий Миноваровой Муборак Баевне, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Утерянный диплом В № 307538, выданный в 2007 году Ташкентским Государственным педагогическим институтом имени Низами на имя Масавирова Фарруха Ахмаджоновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом № 201050, выданный в 1998 году Тошкент Давлат техника университети на имя Васюкова Валерия Валерьевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСВИТЕЛЬНЫМ.**

Мирзо Улуғбек тумани ТСРЎИ томонидан 2013 йил 7 августда № 008321-04 реестр рақами билан рўйхатга олинган "VAGON KOMPLEKT SERVIS" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 500 000,000 (бир миллиард беш юз миллион) сўмдан 800 000 000 (саккиз юз миллион) сўмга камайишини маълум қилади. Тел.: 195-94-35.

"ARTMEDIA CLIMAT" МЧЖга тегишли бўлган бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "ARMA PARTNERS" (ИНН 301896593) Шайхантахурского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 630 150 000 сум до 3 800 000 сум.

"JCD TRANS REKLAMA" МЧЖ ҚКнинг қайта тузилиши ва унинг таъсисчилари таркибидан "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси, "Тошкент метрополитени" ДУК ва "Йўловчитранссервис" ЯХТМнинг алоҳида янги жамият бўлиб чиқиши муносабати билан ўз низом жамғармасини 743 905 000 сўмдан 371 952 500 сўмга камайишини маълум иқлади. (МЧЖ ҚК таъсисчисининг баённомасига асосан).

Мурожаатлар 1 ой давомида 233-11-29 телефон рақами ёки Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 93-А уйда қабул қилинади.

Утерянный вкладыш серия O'zR № 000552 на бесплатный проезд в городском пассажирском транспорте, выданный 16.05.2013 году инвалиду Чернобыльской АЭС на имя Баланко Александра Степановича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

### Юнон-рум кураши

# ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР САРАЛАНДИ

**Пойтахтимизда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида мамлакатимизнинг энг кучли полвонлари ғолиблик учун ўзаро беллашди.**



Эркин кураш бўйича энг қизғин баҳс 120 килограмм вазн тоифасида финалга чиққан пойтахтлик Аброр Азимов ва навоийлик Арслон Гадоев ўртасида кузатилди. Унда А. Азимов тажрибали рақибини енгиб, Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Бу йилги чемпионатда эркин кураш бўйича Тошкент вилояти жамоаси мусобақага ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрганини намойиш этди. Ушбу жамоа вакилларидан Нодир Сафаров, Фурқат Фармонов, Иброҳим Нуриддинов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шунингдек, пойтахтлик Жамшид Кенжаев, бухоролик Субҳон Тошпўлатов ва қорақалпоғистонлик Икром Ержанов ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши баҳсларида Бухоро вилояти полвонлари Феруз Тўхтаев, Аҳмад Маҳмудов ва Рустам Султонов биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро тажрибага эга юнон-рум курашчиларидан пойтахтлик Бесики Солдадзе, қашқадарёлик Жаҳонгир Турдиев, самарқандлик Мўмин Абдуллаев ва Нурбек Холмуҳаммедов ҳам ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди.

**ЎзА.**

### Шарқ яккакурашлари

**Пойтахтимизда шарқ яккакурашлари ва жанг санъатлари усталари ўртасида махсус техника бўйича республика турнири бўлиб ўтди.**



# ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Ўзбекистон шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ташкил этилган мусобақада мамлакатимиз яккакураш спорт турлари федерациялари мураббий ва спортчилари кураш, ўзбек жанг санъати, дзюдо, каратэ, таэквондо, муайтай ва ушу бўйича ўз тажриба ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Турнирда ўзбек жанг санъати бўйича Шерпўлат Усмонов, Санжар Мамасолиев, Миркомил Ризаев, Зуҳра Умрзоқова, Сетора Нишонова, курашчи Муқаддас Кубеева, дзюдочи Маҳлиё Маннопова, таэквондочи Улуғбек Қаршибоев, каратэ устаси Саиджон Солиқов, фахрийлар ўртасида ушу усталари Тоҳир Эргашев ва Наталья Ким ғолиблар қаторидан жой олди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири.**




## ҲАРБИЙ МАШҚ ТАЛАФОТСИЗ ЎТМАДИ

**Американинг Калифорния штати ҳудудида 13 ноябрь куни ўтказилган машқ жараёнида тўрт нафар денгиз пиёда аскари ҳалок бўлгани ҳақида хабар тарқатди Reuters агентлиги миллий денгиз пиёдалари корпуси маълумотларига таяниб.**

Ҳарбий хизматчилар Кэмп-Пендлтон базаси полигонини портламай қолган снарядлардан тозалаш чоғида ҳалок бўлганлар. Ушбу идорадан хабар беришларича, "фожиага отишувлар сабаб бўлмаган". Бироқ, аскарлар ўлими сабаби очиқ-ойдин айтилмади. Тергов ишлари давом этмоқда. Шунингдек, қурбонларнинг исм-шарифлари ҳам ошкор қилинмаяпти.

Пентагондаги ўз номини яширган телеканал манбаи ахборотига қараганда, ҳарбийлар полигонни тозалаш пайтида эмас, балки бевосита машқ жараёнида юз берган портлаш оқибатида қурбон бўлишган.

Телеканалнинг эслатишича, бу Кэмп-Пендлтон базасидаги биринчи фожиа эмас. Чунончи, 2012 йил февралда 12 нафар денгиз пиёдалари вертолётлар тўқнашуви оқибатида ҳалок бўлишган эди.




## ОЧЛИК НИМАЛАРГА МАЖБУР ҚИЛМАЙДИ

**Филиппинда юз берган "Хайян" тўфонидан жабр кўриб, оч-наҳор қолган бир тўда одамлар озиқ-овқат омборига бостириб киришган пайтда омбор девори қулаб тушиб, саккиз кишини босиб қолди.**

Ушбу омбор табиий офат туфайли кимсасиз қолган Таклобан яқинидаги Лейта вилояти ҳудудида жойлашган эди. Миллий озиқ-овқат хизмати расмий вакили берган маълумотга қараганда, оч-наҳор тўда омборни қўриқлаётган ҳарбийлар ҳамда полиция ходимларини осонгина махв этиб, бир неча соат ичида 129 минг қоп гуручни ташмалаб кетишган. "Хайян" тўфони метеокузатув тарихи давомида юз берган энг кучли табиий офат эди. Ҳозирги кунда ушбу фожиа қанча зарар етказганини ҳисоблаб чиқиш қийин. Шунингдек, қанча одам қурбон бўлганини аниқ айтиш ҳам мушкул. Расмий Манила эса илгари матбуотда эълон қилинганидек, 10 мингдан зиёд филиппинлик фуқаро табиий офат қурбони бўлганини тасдиқламоқда. Шунингдек, 80 киши бедарак йўқолган, 3365 киши шифохонада ётибди. 600 мингдан зиёд филиппинликлар бошпанасиз қолишди.



## ВАЗИРНИ МАЙМУНГА ҚИЁСЛАШДИ

**Францияда чиқадиган журналлардан бири қора танли аёл – вазир Кристиан Тобирани маймунга қиёслаб, сурат чоп этгани жанжалга сабаб бўлди.**

France info нашрининг маълум қилишича, Франция ҳукумати адлия вазирининг суратини муқованинг биринчи бетида чоп этиб, остига ҳақоратомуз тагсўз ёзиб чиқаргани учун Minute журналини судга бермоқчи. Сурат остида қуйидаги сўзлар ёзилган: "Худди маймун каби муғамбир Тобира банан топиб олди".

Журнал таҳририяти эса ўзига нисбатан айтилаётган барча айбловларни рад этмоқда. Унинг фикрича, сурат остидаги ёзув шунчаки, сўз ўйинидан иборат. Бироқ, Париж прокуратураси "ирқий маънодаги ошкора ҳақорат" учун дастлабки тергов ишларини бошлади. Бош вазир Жан-Марк Эйро судга мурожаат қилмоқчи. Тобиранинг ўзи эса юз берган воқеа хусусида изоҳ беришни истамаяпти.




## ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР ҲАЛОКАТИ

**Финляндиянинг Каухава шаҳри осмонида иккита Hawk русумли қирувчи самолёт тўқнашиб кетгани оқибатида учувчилардан бири ҳалок бўлди, иккинчиси шифохонага ёткизилди.**

ИТАР-ТАСС берган маълумотларга қараганда, бу кейинги 30 йил давомида юз берган 11-авиаҳалокатдир. Шу давр оралиғида беш учувчи фожиа қурбони бўлди.

Hawk самолётлари ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Буюк Британияда ишлаб чиқарилган. Ҳозир бу русумли самолётлардан қироллик ҳарбий ҳаво кучларида ўқув машқ ва енгил ҳужумчи самолёт сифатида фойдаланилмоқда.

## ТЕМИР МАЙК ВА КОКАИН

**Америкалик энг оғир вазндаги афсонавий боксчи Майк Тайсон хурмача қилиқлари билан мухлисларни ҳайратга солишда давом этмоқда.**



Ўзининг айтишича, ҳар сафар рингга чиқишдан аввал кокаин қабул қилган ва тестдан муваффақиятли ўтиш имконини берувчи доридан фойдаланган.

Тайсон ўзининг "Сўзсиз ҳақиқат" китобида ёзишича, 11 ёшидаёқ гиёҳванд моддалар "татиб кўришни" бошлаган ва юқорида айтилганидек кейинги бутун фаолияти давомида жанглар олдидан кокаин ҳамда наша истеъмол қилган. Шунингдек, у 2002 йил январида Леннокс Льюис билан ўтказилган матбуот конференцияси чоғида рақибининг оёғини тишлаб олган пайтда ҳам гиёҳванд моддалар таъсирида бўлганини эътироф этди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

### Дзюдо

# ЧИРЧИҚЛИКЛАР БАҲСИ



**Чирчиқ шаҳрида дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари, Россия, Қозоғистон ва Тожикистондан жами тўрт юз нафарга яқин дзюдочи қатнашди.**

Халқаро турнирнинг 60 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларида ғолиблик учун энг кўп – эллик тўққиз нафар дзюдочи гиламга чиқди. Ёш полвонимиз Жавлонбек Ҳамидов финалда қозоғистонлик Бауржон Жауинтоевни мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Қолган вазн тоифаларида Ўзбекистон дзюдочи мактаби тарбияланувчиларидан Хуршид Қодиров, Беҳзод Абдураҳимов, Комрон Нуруллаев, Сардор Каримов, Давлат Бобонов, Муҳаммадкарим Хуррамов, қозоғистонлик Жонпўлат Умар, Алиби Жумадуллаев олтин медалга сазовор бўлди.

Турнир доирасида ўтказилган жамоавий беллашувларда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи дзюдочилари биринчи ўринни эгаллади. Самарқанд вилояти вакиллари иккинчи, Бухоро ва Андижон вилоятлари спортчилари учинчи ўринни қўлга киритди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

## Одамийлик шеваси

# ПУЛХЎРАК ХОНАНДА



Канал ёқасида яшайдиган бир жўрам тўй қиладиган бўлди.

– Қиз базмида одмироқ бир хонанда хониш қилиб ўтирса девдим, ошна. Сен шулар ичида юрасан, мундоқ арзонроғини гаплашиб берсанг-чи, – деди.

Жўрамга йўқ деёлмадим. Ростдан ҳам бундан анча йиллар муқаддам, ёш, истеъдодли қўшиқчиларни саралаш танловларида ҳайъат аъзоси, кейинчалик раис бўлганман. Қобилиятли, ёш ҳаваскорларни бир-бир хаёлдан ўтказа бошладим: "Ҳў-ўш, Эргашбой Холтоев туман танловида биринчиликни қўлга киритиб, вилоятга йўлланма олганди. У ерда ҳам нуфузли ўринга сазовор бўлиб, довруқ таратганди. Шу йигитчани дўстимнинг тўйига таклиф қилсамчи. Ҳар ҳолда йўқ демас."

Ўшанда ҳайъатга раҳбар бўлганим, Холтоев сингари талантли ёшларга раҳнамолик қилганим ёдимга тушгач, руҳим кўтарилди.

– Дўстим, қўшиқчи масаласида ғам ема. Битта эмас бештасини чорпояга ўтқазиб, хиргойи қилдириб қўяман, бу мендан тўёна, – дедим.

Жўрам юмуши бошидан ошиб ётган бўлса-да, мендан кўра анча ҳушёррoқ экан. Ҳовуримдан бир оз тушириб қўйди:

– Сардоржон, у пайтлар бошқа эди. Устоз-шогирд дегандай... Энди тухумдан кеча ёриб чиққан қўшиқчи ҳам ўзини юлдуз деб ҳисоблайди. На овози, на сўзининг тайини бўлмаса-да, еттинчи осмонда учиб юрганлар кам эмас. Катта гапириб, кейин уялиб қолма, дейман-да.

– Нега ундай дейсан? – астойдил жаҳлим чиқди. – Ҳар ҳолда бир вақтлар шу ёшлар талантини баҳолашда иштирок этганман.

– Ҳа, энди ҳали айтганимдай, у бир вақтлар эди. Яна ўзинг биласан, жўрам.

Шу ҳафтадаёқ жўрам иккковимиз Холтоевникига уч кун сидирға бордик. Афсус, унга рўпара келолмадик. Ҳар сафар хонанда эл хизматидан ортмайди. Ўтган куни қўшни туманда бўлса, кеча Олтиовулда, бугун Қорахитойда... Хайрият, тўртинчи куни наҳорда хонандани уйидан топдик. Бизга ўхшаган йўқловчилар кўп шекилли-да, зада бўлиб кетган кўринади. Дарвоза олдида хушламайгина қарши олди. Шундоқ бўлса ҳам жўрам олдида ўзимни бир кўрсатиб қўйгим келди:

– Эргашбой, мени танияпсизми, бир вақтлар танловда...

У бехосдан илон босиб олгандай, бир қадам орқага тисарилди, аранг қўлини узатаркан, жавобни нақд қилди:

– Шу танловни рўкач қилганлар тоза меъдамга тегди-да. Талант эгаси бўлганинг, балога қолганинг экан. Сени тарбиялаган ҳам, энагалик қилган ҳам, суяб юборган ҳам бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетаркан. Хўш, келинглар, муддаони айта қолинглар. Мен чарчаганман. Тўйга хизмат қилиб бериш керакми?

– Шундай-шундай, – деди жўрам бир ютиниб олгач. – Қиз базмида қўшиқ хиргойи қилиб берсангиз деб...

– Амаки, тўйга состав билан бораман, пули ҳам шунга яраша бўлади. Тузукми?

– Хўш, қанча бўлади? – дедим зарда билан.

– Тўйни сиз қиляпсизми ёки булар?

– Мен, – деди жўрам ҳавоси чиқиб кетган коптокдек бўшашиб.

– Унда сиз билан договор қиларканман. Так что, бошқа одам аралашмасин.

– Э-ҳа, ука, еттинчи осмондасиз-ку, – дедим нафратим қўзиб, – бироз пастга тушинг. Шу артист деган матоҳни мен тўёна қиламан, деганман жўрамга.

– Ҳа, шундайми, – деди хонанда осилиб қолган қорнини силаганча сохта томоқ қирган бўлиб. – Договордаги пулни у киши тўлайдими, сизми менга фарқи йўқ. Ҳозир кўкидан закалат ташлаб кетасизлар. Тўй ўтиб бўлгач, қолганини нақд санаб берасизлар. Шунга кўнсаларинг, тўй кунини ўзим белгилаб бераман.

– Ана холос, – деб юборди жўрам. – Шунча пул эвазига ҳали уйимдаги тўй кунини ҳам сиз белгилаб берасизми?!

– Шундоқ, – деди кўзини лўқ қилиб мезбон. – Мижозларимиз кўп. Бўш вақтингизни айтинг, ўша кунга тўғрилаб базм қилайлик, деганлар қалашиб ётибди. Ҳа, майли, вақтим зиқ, дам олишим керак. Кечкиликда яна хизмат бор. Сизлар ҳали бери бир тўхтамга келолмайсизлар шекилли, бошқа пайт келарсизлар.

У шундай деганча, беписандлик билан баланд, ҳашамдор темир дарвозани ичкаридан ёпди. Шу асно да мен ва жўрам кун бўйи оғир юк ташиган ҳаммолдек бўшашиб, дарвоза олдида қотганча қолдик...

**Собиржон ИНОМОВ.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 16 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1-3, кундузи 15-17 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража илиқ, айрим жойларда 2 даражагача совуқ, кундузи 13-18 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2 даража совуқ, 3 даража илиқ, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

Рассом хандаси




cartoon.kulichki.com

## Жиноятга жазо муқаррар

# РАҲБАР ВА УНИНГ ЛЎКИДОНИ

**Сайфиддин Сирожиддинов бу лавозимда бор-йўғи саккиз ой ишлади. Уни йўловчи транспорти барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментига раҳбар қилиб тайинлашаётганда вилоят ҳокимлиги ва транспорт билан боғлиқ юқори ташкилотлар унга ишонишганди. С. Сирожиддинов вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини тартибга келтириб, муаммоларни ҳал этишга бош-қош бўлади, деб ўйлашди.**

**У аввалги ишлаган ташкилот ва муассасалардаги муваффақиятлари сабаб шу жойга лойиқ кўрилган бўлса ажаб эмас. Аммо, мансаб курсиси буздими ёки атрофдагиларнинг ялтоқланишими, ҳар ҳолда нафси унинг бурнидан ип ўтказиб олди. Нафсга бўйсундингми, тамом деявер. Бу шундай балоки, охир-оқибат абгор қилмай қўймайди.**

Халқ тилида айтганда: суқлик хўрлик келтиришини С. Сирожиддиновнинг 8 ойлик раҳбарликда ўтган ҳаётида яна бир бор исботлади. У фаолият бошлаган кезларданоқ ҳамёнини тўлдиришга киришиб кетди. Транспорт уюшмаларидан уларнинг Департамент билан боғлиқ масалаларини ҳал қилиб бериш эвазига пора талаб қилар, унинг бу шартига кўнганларнинг ишлари хамирдан қил суғургандек битиб кетаверарди.

У бу йўлда ўзига ўхшаган ҳамтовоқларни ҳам тезда топақолди. Департаментнинг бош мутахассиси Абдурауф Аблаизов раҳбарга хизмат қилиш, унинг ҳар қандай талабларини лом-мим демай бажаришни ўзига шараф, деб билди. Акс ҳолда ўртакашлик қилиб, транспорт уюшмаларидан пора олиб, раҳбарга енг ичида узатармиди?

Айтайлик, "Спец-Прим" МЧЖга Департамент томонидан берилган тендер битимининг муддати тугагани сабаб, уни яна бир йилга узайтириш эвазига корхона таъсисчиси И. Тоғаевадан 500 АҚШ доллари ҳамда 200 минг сўм пул олган ва ишини силлиққина битказиб берган.

Олмалиқ шаҳрида аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи "Такси-Актив" ва "Спринт Тим Транс" МЧЖ раҳбари Ш. Юсуповани ҳам А. Аблаизов орқали роса ноғорасига ўйнатди. Ҳали текширувдаги камчиликларни ёпиб бераман деб пул олди, ҳали тендер битимингни узайтираман, яна уюшмага қарашли машиналарни паритет асосида йўналишга қўйиб бераман, деб бечора тадбиркорнинг обдон терисини шилди. А. Аблаизов эса ўртада лўкидон бўлди.

Аслида бундан ўзи ҳам манфаат кўрганини суд мажлисида очиқ тан олди. Департамент раҳбарининг қилмишлари шу билан чегараланиб қолган эмас. У яна кўплаб тадбиркорларнинг шўрига шўрва тўкди. Бевосита ўзининг вазифаси бўлган ишларга улардан пора талаб қилди.

Айтайлик, "Форд Газель" МЧЖга Департамент томонидан берилган бош лицензияни қайта расмийлаштириб бериш учун ҳам уюшма мутахассиси М. Умаровдан 300 минг сўм пора талаб қилган. "Маъмур Транс" МЧЖнинг йўналиш бўйича тендер битими муддати тугаганлиги сабабли уни узайтириб бериш эвазига уюшма менежери Ш. Ҳамидовдан 200 АҚШ доллари олган. Департаментга келган раҳбарнинг нафси кундан-кун ҳаккалак отиб бораётганидан безиган ва келгусида бу зайлда ишлаб бўлмаслигига ақли етган тадбиркорлар тегишли идораларга ариза билан мурожаат қилишди.

Махсус ўтказилган тезкор тадбирда А. Аблаизов Ш. Юсуповадан пора тариқасида 500 АҚШ доллари олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қўлга олишди.

Тергов жараёнларида А. Аблаизов турлича кўрсатмалар бериб, ишни чалғитишга ҳаракат қилди. Гоҳ олган пулларини С. Сирожиддиновга берганман, деса кейингиларида раҳбар томонини олиб кўрсатма берди. Жиноят ишлари бўйича вилоят суди кўрган мазкур ишда фақат А. Аблаизовнинг кўрсатмасига таяниб қолинмади. С. Сирожиддиновдан азият чекканлар унга қарши кўрсатма беришди. Унинг ўзи эса бирорта айбига иқрор бўлмади. Аксинча, турли нағмалар орқали ўзини фаришта қилиб кўрсатишга уринди. Бундай найрангу ўйинларни кўраверіб кўзлари пишган ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари унинг барча кирдикорларини рўй-рост очиб беришди.

С. Сирожиддинов ва А. Аблаизов ўз нафслари йўлида анча-мунча тадбиркорнинг оёғига болта уришди. Яна нималарни ўйлашганийкин? Ўз вақтида кўрилган тезкор чора уларнинг келгусида қилишлари мумкин бўлган қинғирликларига чек қўйди. Суд уларга тегишли тартибда жазо белгилади.

Мамлакатда тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, соҳа вакиллари учун барча имкониятлар эшигини очишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Уларнинг фаолияти қонуний асослар билан мустаҳкамланмоқда. Бироқ, С. Сирожиддинов ва А. Аблаизов каби нафс исканжасидаги айрим раҳбарлар бу ислоҳотлар йўлига тўғоноқ бўлмоқдалар. Ватанимиз жаҳон билан чин маънода бўйлашишини истасак, ривожланган хориж давлатлари каби Ўзбекистон ҳам ҳар тарафлама тараққий этиб, турмушимиз янада фаровонлашишини хоҳласак, барчамиз юқоридаги каби иллатларга биргаликда зарба беришимиз лозим.

**Турдимурод ШАРИПОВ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8524. Адади 6938. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.